

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАТКАРИМОВ ЗАЙНОБИДДИН ТУРДАЛИЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА КЕРАМИК ҚОШИНЛАР  
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.15 – Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар  
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Маткаримов Зайнобиддин Турдалиевич**

Маҳаллий ҳом ашёлар асосида керамик кошнлар олиш технологиясини ишлаб  
чиқиш ..... 3

**Маткаримов Зайнобиддин Турдалиевич**

Разработка технологии получения керамических плиток на основе местных сырьевых  
материалов.....21

**Matkarimov Zaynobiddin Turdaliyevich**

The development of technology for the production of ceramic tiles on the bases of local raw  
materials..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАТКАРИМОВ ЗАЙНОБИДДИН ТУРДАЛИЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА КЕРАМИК КОШИНЛАР  
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.15 – Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар  
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Т33 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Арипова Мастура Хикматовна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Искандарова Мастура Искандаровна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Талипов Ниғматулла Хамидович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**«Физика-Қуёш» Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz). Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.М. Турабджанов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.С. Ибодуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**М.И. Искандарова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда керамик кошинларга бўлган талаб тобора ошиб бормокда, жумладан, йирик ишлаб чиқарувчи мамлакатлардан «Хитойда 10% йиллик ўсишни, Испания, Россия, Италия ва Бразилияда 5%ни ташкил этмокда».<sup>1</sup> Шу билан бирга, юқори физик-механик кўрсаткичларга эга бўлган керамик материаллар олиш технологик жараёнларини ишлаб чиқиш, олинган керамик материалларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини бошқаришнинг илмий асосларини тадқиқ қилиш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда керамик кошинларнинг юқори эксплуатацион кўрсаткичларга эга турларини олиш учун масса таркибларини ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш, бадий-архитектура хоссалари ва физик-механик кўрсаткичларини янада яхшилаш, керамик кошинлар олишда инновацион технология ва жиҳозлардан фойдаланиш йўналишларида илмий ишлар олиб борилмокда. Ушбу жараёнларни амалга оширишда янги табиий хомашё ресурсларини жалб этиш, керамик кошинлар бозорида юқори рақобатбардош материаллар яратиш имконини беради.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қурилиш материаллар саноатида импорт ўрнини босувчи керамик пардозлаш материалларини ишлаб чиқариш борасида муайян ютуқларга эришилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар асосида керамика саноатида маҳаллий хомашёлардан масса таркиблар учун компонентлар танлаш, уларга ишлов бериш технологияларини яратиш ва маҳсулотлар олишга эътибор қаратилди. Шунинг билан бирга керамика саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сифатига етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан сифатли ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий хомашёларни танлаш ва улар асосида керамик кошинлар олиш замонавий технологияларини яратишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 25-октябрдаги ПҚ-2641-сон «Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада ривожлантириш тўғрисида»ги, 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2015-йил 4-мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ги фармонлари ва қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

<sup>1</sup><http://www.> «Керамическая плитка. Современная энциклопедия»

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Керамик материаллар хомашё базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни жадаллаштиришни ўрганиш бўйича О.С.Грум-Гржимайло, М.К.Гальперина, И.А.Левицкий, И.Сабрее, Д.Е.Гоуг, Е.С.Муниз, М.С.Гоев, М.Гайек, М.Рамеро, Й.Оцуки, Й.Томиока Н.Тониоло, А.Р.Боссассини, В.З.Абдурахимова, Г.Т.Адылов, Н.А.Сиражитдинов, А.А.Исмаатов, А.И.Иркаходжаева, М.Т.Мухамеджанова, М.Ю.Юнусов, Р.И.Абдуллаева, М.Х.Арипова, М.И.Искандарова, Д.Ж.Гулямова, А.М.Эминов, Н.Х.Талипов, А.М.Салахов, Ю.А.Щепочкина, А.П.Зубехин ва бошқа кўпгина олимлар илмий ишлар олиб бордилар.

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида турли хомашёлардан, бир ва икки марталик тезкор куйдириш технологияси шароитида керамик кошинлар олишда масса таркиблар ва технологик параметрларнинг оптимал ечимлари ишлаб чиқилган. Керамик сополак билан сир қопламаси ўртасидаги чегара зоналари ўзаро мутаносиблиги чуқур ўрганилган. Тадқиқот натижаларнинг эффективлиги ва физик-механик хоссалари ўрганилган. Хусусан, юқори сифатли керамик кошинлар учун масса таркиблар ва технологик режимлар ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Саноат чиқиндилари ҳамда иккиламчи хомашёлар асосида юқори сифатли керамик кошинлар олиш амалий, экологик ва иқтисодий қизиқиш уйғотади. Керамик масса таркибларни яратишда алтернатив хомашё материалларидан унумли фойдаланиш, асосийларини тежашга олиб келади. Керамик материаллар ишлаб чиқариш учун Республикамизда таркибида асосий хомашёларни ўрнини боса оладиган саноат чиқиндилари ҳамда иккиламчи хомашё манбаининг улкан ҳажмлари мавжуддир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-7-10 «Маҳаллий хомашёлар асосида керамик сирт кошинларни олиш технологияси ва таркибларни жорий этиш» (2013-2014й.) инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хомашёлар асосида керамик материалларолиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** тезкор куйдириш технологияси бўйича яримқуруқ пресслаш усулида керамик кошинлар олишда маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндиларини қўллаш;

тез куйдириш шароитида керамик кошинларда фаза ва структура ҳосил бўлишида масса компонентларини таъсирини ва физик-механик кўрсаткичларини аниқлаш;

ишлаб чиқилган керамик масса таркиблар асосида сифатли сирт ва пол кошинларини олиш технологик параметрларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида, керамик сирт ва пол кошинлар масса таркиблари, тезкор куйдириш шароитида керамик кошинлар олиш технологияси.

**Тадқиқотнинг предмети** керамик материалларни физик-механик ва структуравий хоссаларига компонентларнинг тури ва миқдори таъсирини ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида дифференциал термик таҳлил, рентгенографик, электрон-микроскопик, ИҚ-спектрик, дилотометрик, элемент таҳлиллари ва ишлаб чиқилган керамик масса таркибларни саноат миқёсида синовдан ўтказиш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндилари асосида тезкор куйдириш шароитида олинган керамик кошинларни физик-механик хоссаларига компонентларнинг таъсири аниқланган;

керамик масса таркибларини сополакда фаза ва структура ҳосил бўлиш жараёнини тезлашишига компонентларнинг таъсири аниқланган;

бир марталик пол кошинларини куйдириш шароитига асосланиб ишлаб чиқилган технологик параметрларда фаза таркибларни ҳосил бўлишида талаб этилган хоссалар аниқланган;

маҳаллий хомашёлар асосида сирт ҳамда пол кошинлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси.** Маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндилари физик-кимёвий хоссалари ўрганилган, улар асосида асосида керамик сирт ва пол кошинлари олиш учун масса таркиб ва энергия тежамкор технология тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** шундан иборатки, олинган маҳсулотлар таҳлил қилишда замонавий физик ва кимёвий усуллар дифференциал термик таҳлил, рентгенографик, электронно-микроскопик, ИҚ-спектрик, дилотометрик, элемент таҳлилларидан фойдаланилган ва яратилган технология ишлаб чиқаришга қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндиларни керамик материалдаги фаза ҳосил бўлиш жараёни ва структурасини шаклланишига, шу билан бирга бир ва икки мартали тезкор куйдириш шароитида қўллашда унинг физик-механик хоссалари ва сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида сифатли, импорт ўрнини босадиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, тезкор куйдириш шароитида керамик кошинларни янги эффектив таркибларини ва энергия тежамкор технология асосида олиш технологиясини ишлаб чиқишга хизмат қилишидан иборатдир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндилари асосида тезкор куйдириш шароитида ишлаб чиқилган керамик масса таркиблар ва ишлаб чиқариш технологиясини

такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ички сирт ва пол кошнлари олиш учун маҳаллий ва иккиламчи хомашёларни қайта ишлаш технологиялари «ART GLOSS GALLERY» Қўшма корхонасига жорий қилинган («Ўзқурилишматериаллари» АЖнинг 2017 йил 7 февралдаги МА-01/03-411- сон маълумотномаси). Натижада ички сирт ва пол кошнлар ишлаб чиқариш унумдорлигини 20%га оширишга имкон берган;

маҳаллий хомашёлар асосида олинган масса таркиблар «Ўзқурилишматериаллари» АЖ тасарруфидаги керамик кошнлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга жорий этилган («Ўзқурилишматериаллари» АЖнинг 2017 йил 7 февралдаги МА-01/03-411-сон маълумотномаси). Натижада керамик кошнларнинг физик-механик хоссаларини яхшилашга, кошннинг пишиш температурасини 40С<sup>о</sup>га пасайтириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини мавжуд технологияга нисбатан 18-22%га ошириш имконини берган;

яратилган таркиб асосидаги керамик кошнлар олиш технологияси «ART GLOSS GALLERY» қўшма корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзқурилишматериаллари» АЖнинг 2017 йил 7 февралдаги МА-01/03-411-сон маълумотномаси). Натижада юқори сифатли, рақобатбардош ва импорт ўрнини боса оладиган сирт ва пол кошнлари олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иши чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола: жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор ўнашлишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Керамик кошнлар ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида ишлаб чиқариш тизимидаги турли ҳал этувчи омилларнинг замонавий юқори технология тарафдан ривожлантириш йўналишлари таҳлил остига олинган. Кенг кўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Тармоқни модернизация ва диверсификация қилишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 8 мингтага етди. Ишлаб чиқарилаётган товарлар номенклатураси кенгайиб, маҳаллий бозордаги қурилиш материалларининг тури ва ҳажми салмоғи ортиб бормоқда.


Керамик кошнлар қурилиш материалларнинг асосий буюмларидан бири бўлиб, уни ишлаб чиқариш учун зарурий хомашёларнинг турларини шакллантириш йўналишлари, Республикада мавжуд керамик кошнлар ишлаб чиқариш корхоналарининг истиқболдаги фаолиятлари, уларнинг хомашёга бўлган талаблари ҳамда эски тизимдан янгисига ўтиш босқичларини қай тарзда шакллантирилаётганлиги ифодаланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот усуллари ва материалларнинг физик-кимёвий хоссалари**» деб номланган иккинчи бобида танлаб олинган маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндилар тавсифлари келтирилган. Танланган хомашёларни кимёвий ва минералогик таҳлиллари амалга оширилган. Керамик материалларни ва масса таркибларни ўрганишнинг физик-технологик усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тезкор куйдириш режимида ярим қуруқ усулда керамик кошнлар олиш учун масса таркибларини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида тезкор куйдириш режимида, яримқуруқ усулда олинадиган керамик кошнлар учун масса таркибларини изланишлари бўйича материаллар келтирилган. Маҳаллий хомашёлар асосида керамик сирт кошнлар учун масса таркиблари ўрганилган. Ярим қуруқ усулда пресслаш технологияси бўйича лаборатория шароитларида керамик масса тайёрланган.


Оптималь керамик масса таркибини танлаш учун, 1000 ва 1100°C температурада куйдирилган намуналарнинг сув ютувчанлиги, қисқариши, мустаҳкамлиги ва чизикли кенгайишининг таркибга боғлиқлиги ўрганилган. Тадқиқот учун таркиблар майдони, керамик кошнларга қўйиладиган физик-техник хоссаларидан келиб чиққан ҳолда танлаб олинган.

Олинган натижалар асосида сирт кошнлар сополаги учун қуйидаги ОТ-19 таркиб танлаб олинди; мас. %: тальк сақловчи жинс - 10, каолин - 50 ва пегматит -40. Бу таркиб учун сув ютувчанлик 14, қисқариш - 1,12,4,04(82 Å) кузатилади. 900°Cда дала шпатлари қисман эритмага ўтади ва кальцит билан ажралган қаттиқ аралашма ҳосил бўлади. (3,24 Å). 1100°Cда анортит фазасининг ҳосил бўлиши кузатилади (4,037; 3,198 Å). Шу билан бирга, 1100°Cда муллитнинг кучсиз рефлекслари а (5,4; 3,39; 2,690 Å), энстатит (3,150 Å), оливин 2,54 Å ва маггемит (2,517 Å)лар ҳосил бўлади.



а

б




в

г


сув ютувчанлик (а), қисқариш (б), мастаҳкамлик (в), чизиқли термик кенгайиш коэффициентлари (г)

**Расм 1. 1100 °Сда куйдирилган намуналарнинг сув ютувчанлик, қисқариш, мастаҳкамлик, чизиқли термик кенгайиш коэффициентларининг таркиб билан боғлиқликлари.**



**Расм 2. 1100°Сда куйдирилган намуналарнинг дифрактограммаси.**

Дифрактограммага асосланган ҳолда қаралса, суяқ фазанинг сезиларли микдори 1100°Сда ҳосил бўлади (3-расм).



**Расм 3. 1100°Сда куйдирилган керамик массанинг электрон-микроскоп кўриниши.**

Анортит фазасининг ўртача таркиби (спектр 30) ва микро эритмани, (спектр 31) мелилитсимон фазани, (спектр 32)натрий сақловчи дала шпат қаттиқ аралашмаси, (спектр 33)калий сақловчи дала шпат қаттиқ аралашмаси ҳосил бўлганини кўрсатади.

Керамик сополакни микроструктура таҳлили, уни катта ўлчамдаги ғоваклардан холи ва кварц зарралари, аморф фазалар, анортит ва муллит кристаллар каби структура элементларини бир хилда тарқалганини кўрсатди. Микроанализ таҳлили (спектр 32 ва 33) калий ва натрийли дала шпат қаттиқ аралашмаси таркибига яқин бўлган микроаралашма ҳосил бўлганлигини кўрсатди. Оптимал миқдорда аралашма ҳосил бўлганлигини муллит ва анортит кристаллари ҳосил бўлиши билан нисбатан зич, минимал ғоваклардан иборат структурани ҳосил бўлганлиги билан исботлаш мумкин.

Масса компонентларининг оптимал таркиби 1100°Сда керамик сополакдаги фаза ва структура ҳосил бўлишини,  $\text{SiO}_2\text{--Al}_2\text{O}_3\text{--CaO--K}_2\text{O--Na}_2\text{O}$  системасида эвтектик эритмани ҳосил бўлиши ҳисобига жадаллаштиради, дала шпатлар ҳосил бўлиши реакцияларини боришига, шу билан бирга анортит ва муллит кристалларини ҳосил бўлишига, ўз навбатида мастаҳкамликни ошишига, сув ютувчанликни, қисқаришни ва чизиқли термик кенгайиш коэффициентини камайишига олиб келади.


**Керамик сирт кошинлар учун шиша саноати чиқиндилари қўлланилган таркиблар.** Маҳаллий хомашёлар асосида керамик массалар тайёрлаш учун 10 та омихта таркиблар тузилди. Энг юқори физик-механик кўрсаткичга ОС-6 таркиб эга, умумий қисқариш - 0,9 %, сув ютувчанлик- 14,2 %, эгилишга мастаҳкамлик - 16 МПа,  $\text{ЧТКК-}59,8 \cdot 10^{-7} \text{K}^{-1}$  (1-жадвал).

Сирт кошинларнинг структурасининг шаклланиш механизми ва фаза таркибининг ўзига хослигини дифференциал-термик ва ва рентгенофазавий таҳлил усуллари ёрдамида ўрганилган. Дастлабки ва 900, 1000, 1100°Сларда

**1100°C температурада куйдирилган кошин масса намуналарини физик-механик кўрсаткичлари**


Масса индекси	Умумий қисқариш, %	Сув ютувчанлик, %	Эгилишга мастаҳкамлик, МПа	ЧТКК $\alpha \cdot 10^{-7} \text{ K}^{-1}$
ОС-1	1,8	17,1	14,0	57,8
ОС-2	1,02	15,3	18,8	74,2
ОС-3	0,8	15,8	15,0	57,5
ОС-4	2,1	16,7	13,8	58,8
ОС-5	1,6	17,5	Ёриқлар	62,3
ОС-6	0,9	14,2	15,5	59,8
ОС-7	1,5	16,8	Ёриқлар	73,8
ОС-8	1,9	18,4	10,9	75,8
ОС-9	1,05	16,0	19,3	71,8
ОС-10	2,0	17,7	14,2	68,4
ГОСТ	-	14-16	12-14	-

куйдирилган керамик массаларнинг рентгенографик изланишлари олиб борилган. Куйдирилган кошин массалари кварц фазаси, анортит, дала шпатлари қаттиқ аралашмалари ва структуранинг аморф қисми билан характерланади. 900°Cда каолинит рефлекслари йўқолиб, дала шпатининг маълум қисми эритмага ўтади ва дала шпатининг кальцитга ажралган қаттиқ аралашмаси ҳосил бўлади (3,24 Å). Анортит фазасининг ҳосил бўлиши 1100°Cда рўй беради, (4,037; 3,209Å) (4-расм).



**Расм 4. 1100°Cда куйдирилган керамик кошин массасининг дифрактограммаси.**

ОС-6 керамик массанинг 1100°C температурада куйдирилгандаги микро-структурасикелтирилган (5-расм).





**Расм 5. ОС-6 керамик массанинг 1100°C температурада куйдирилгандаги микроструктураси**

Микроанализ натижалари (спектр 23 ва 25) калийли ва натрийли дала шпати каттиқ аралашмаси таркибига яқин бўлган микроэритма ҳосил бўлганлигидан далолат беради. Оптимал миқдорда аралашма ҳосил бўлганлигини муллит ва анортит кристаллари ҳосил бўлиши билан нисбатан зич, минимал ғоваклардан иборат структурани ҳосил бўлганлиги билан исботлаш мумкин.

Олиб борилган изланишлар, керамик масса таркибига шиша чиқиндиларини қўшилиши, физик-техник хоссалари бўйича ГОСТ талабларига жавоб бера оладиган керамик сирт кошинларни корхонадагидан 30°C паст температурада олиш имкониятини беради. Керамик сирт кошинларнинг шиша чиқиндиси қўшилган оптимал таркиб сифатида ОС-6 таркиб танлаб олинди, мас. %: Ангрен иккиламчи кулранг каолини – 20; Ангрен қизғиш каолини – 30; Май кони тупроғи – 5; Самарканд бўри – 10; шиша синиғи – 10; Чироқчи пегматити – 25.

**Керамик пол кошинлари учун масса таркиблари.** Керамик сополак олиш учун металлургия чиқиндиларидан ташқари одатдаги табиий материаллар- Май кони тупроғи ва Ангрен иккиламчи кулранг каолинидан ҳам фойдаланилди.

Керамикматериалнинг хоссаларини таркибга боғлиқликларини ўрганиш учун лаборатория шароитида 36 таркиб массалари тайёрланди. Керамик кошиннинг оптимал таркибини танлаш учун, бўр таркиби доимий 10%га эга бўлганда сув ютувчанлик ва қисқаришнинг таркибга боғлиқ ҳолда ўзгариши ўрганилди (6 расм.). Намуналар 900, 1000, 1100, 1180°C температураларда куйдирилди. Керамик сополакнинг сув ютувчанлик (3,3-3,9) ва қиска-риш (7,34%) бўйича олинган натижалари асосида куйидаги оптимал таркиб танлаб олинди: 30-40% тупроқ; 50-60% каолин ва 10-20% шлак. Бу таркиблар учун эгилишга мастаҳкамликнинг ўртача қиймати– 29 МПага тенг.




а

б

а-сув ютувчанлик, б-қисқариш

### Расм 6. 1180°C температурада куйдирилган керамик пол кошиннинг таркибга боғлиқликлари

Танланган керамик масса таркиблари термо ва рентгенографик усуллар орқали ўрганилди. 900, 1000, 1100 ва 1180°Cда куйдирилган оптимал майдондаги керамик массалардаги фазавий ўзгаришлар, дастлабкисига солиштирилган ҳолда ўрганилди. 1180°Cда термик ишлов бериш орқали олинган намуналар дифрактограммаси келтирилган (7-расм). 1100 ва 1180°C температурада дифрактограммада ўзгаришлар, яъни янги моддалар ҳосил бўлиши кузатилди. Термик ишлов беришда дастлабки минераллар (каолинит)нинг бузилиши ва кварцнинг қисман сақланиши кузатилди.




### Расм 7. 1180°C температурада куйдирилган керамик пол кошинларнинг дифрактограммаси.

Шлак компонентлари ва дала шпатининг ўзаро таъсирлашуви натижасида эвтектик эритма ҳосил бўлди ва янги кристаллар ҳосил бўлади. 1180°Cда куйдирилган намуна дифрактограммаси кварцдан бошқа куйидаги минералларнинг ҳосил бўлганлигини кўрсатади: анортитнинг натрийли дала

шпати билан қаттиқ аралашмаси– 4,040; 3,254; 3,201; 2,518 Å; муллит – 3,396; 2,698 Å; гематит – 2,696; 2,518; 1,834; 1,688 Å; энстатит – 3,157 Å; мелилит 2,284; 2,452 Å. Дифрактограмма дала шпатларининг эритмага ўтиши ва бу эритмадан анортит ҳосил бўлишини кўрсатади. Термик ишлов берилган намуналар сканерловчи электрон микроскопда ўрганилди (8-расм).


Темир шпинел ҳосил бўлганлиги Спектр 19да кўринади. Элемент анализ бўйича олинган фаза таркиби  $\text{FeO}\cdot\text{Fe}_2\text{O}_3\text{--Al}_2\text{O}_3\text{--SiO}_2$  ҳолат диаграммасига мувофиқ темир шпинели ҳосил бўлиш майдонига мос келади. Спектр 20 да  $\text{SiO}_2\text{--MgO--Al}_2\text{O}_3$  диаграммасига мос равишда кристаллар ҳосил бўлади. Оксидларни миқдорини ҳисоби ҳосил бўлган фаза 47%  $\text{SiO}_2$ , 27%  $\text{MgO}$  ва 5%  $\text{Al}_2\text{O}_3$  билан чегараланган учбурчакда жойлашганлигини кўрсатди. Бунда метастабил кварцсимон фаза ҳосил бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Спектр 21 натрий, калий, темир ва магний қўшимчалари мавжуд бўлган анортит фазаси ҳосил бўлганлигини кўрсатди. Спектр 22 калийли дала шпати кристаллик фазасини мавжудлигини кўрсатди.

Керамик масса таркибига пўлат эритиш саноати металлургия шлакини киритиш минерал ҳосил бўлишини жадаллаштиради ва анортит, муллит, калийли дала шпати ва  $\text{SiO}_2$  ва  $\text{MgO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3$  ораликдаги кварцсимон қаттиқ аралашмадан иборат бир жинсли зич структура олиш имконини беради. Олиб борилган изланишлар натижасида керамик пол кошени учун янги таркиб ишлаб чиқилди. Унинг таркиби қуйидагича: мас. %: каолин - 50; тупроқ 35, шлак – 15. Оптимал таркиб қуйидаги юқори физик-механик хоссаларни



**Расм 8. Керамик пол кошениларнинг оптимал намуна таркибининг электрон-микроскоп тасвири.**

таъминлайди: сув ютувчанлик 3,3%, қисқариш 7,3%, механик мастаҳкамлик 29 МПа, ЧТКК  $65 \times 10^{-7}$ .




**Расм 9. Сирланган керамик кошин кесимининг электрон-микроскоп тасвири.**

Фриттали сир билан қопланган керамик кошиннинг кўндаланг кесимининг келтирилган тасвири сир билан керамик асоснинг мастаҳкам боғланганлигини кўрсатди (расм 10). Сирда 10 дан 1 мкм ўлчамдаги пуфакларни мавжудлиги бўғувчанлик хусусияти мавжудлигидан далолат беради. Ренгенфаза анализ натижалари сир қопламада кварц, тридимит ва бадделеит минерали кўринишидаги циркон оксиди мавжудлигини исботлайди.

Сир қопламанинг нуқтали спектрал таҳлили шиша фазада кремний ва калий миқдори ангоб-сир чегарасидаги контакт қатламига нисбатан кўпроқлигини кўрсатади. Кимёвий таркибнинг бир-бирига яқинлиги сир қопламанинг юқори мустаҳкамлигини таъминлайди. Сир қопламасининг юза қатламида калций миқдорининг ошиши бўғиқлик жараёнини боришига олиб келади.

**Пол кошинлар учун сир қопламалар.** Яримқуруқ пресслаш усулида тезкор бир босқичли куйдириш орқали олинган, юқори физик-техник хоссаларга ва декоратив характерга эга бўлган едирилишга бардошли пол учун кошинларнинг энг яхшиси циркон сақловчи бўғиқ шишакристалл жилосиз фактурали қопламалар ҳисобланади. Керамик пол кошинларнинг оптимал таркиблари учун сир қопламалар танлаб олинган (расм 14).

Спектр 7да барийнинг мавжудлиги сир компонентларини керамик асосга бирикиб кетганлигини кўрсатади. Спектр 8да циркон сақловчи кристалл мавжудлиги маълум бўлди. Спектр 9 ва 10ларда керамик асосда шиша фазасини мавжудлигини кўрсатади. Спектр 11да эса сир қопламанинг шиша фазаси таркибини кўрсатади. Сир қоплама ва керамик асос орасида аниқ чегаранинг йўқлиги сир элементларини асос билан яхши диффузияланганлигини билдиради. Сир қоплама юзасида турли шаклдаги кристалларнинг мавжудлиги қаттиқлик даражасини юқорилигини таъминлайди. Сир қопламасининг ЧТКК қиймати  $74,5 \times 10^{-7}$  град<sup>-1</sup>га, керамикасосники  $65 \times 10^{-7}$  град<sup>-1</sup>га тенг. ЧТКК қийматлари орасидаги фарқ сир қопламанинг сиқилган ҳолатида эканлиги, бу эса 200°Сга тенг бўлган юқори иссиқбардошликни таъминлашини кўрсатади.



**Расм10. Сир билан қопланган керамик пол кошинсининг электрон-микроскоп тасвири.**

Диссертациянинг «Керамик материаллар ишлаб чиқариш технологияси» деб номланган тўртинчи бобда натижаларни синовдан ўтказиш ва керамик буюмлар ишлаб чиқаришга жорий қилиниши ёритиб берилган. Керамик кошинлар олиш технологияси «Тошкент қурилиш материаллар комбинати» АЖ ва «ART GLOSS GALLERY» ҚҚси шароитларида синовдан ўтган.

«Тошкент қурилиш материаллар комбинати» АЖда Хитойдан келтирилган сир билан ишланди. Бу сирнинг керамик сополак билан ўзаро мувофиқ келмаслиги натижасида олинаётган кошинлар сифатини пасайишига олиб келган. Шунинг учун маҳаллий хомашёлар асосида мос келадиган керамик сополак ишлаб чиқиш мақсад қилиб олинди. Олиб борилган изланишлар керамик кошин таркибини ишлаб чиқишга олиб келди.

2-жадвал

**«Тошкент қурилиш материаллар комбинати» АЖ учун ишлаб чиқилган керамик сирт кошинлар физик-механик хоссалари**

Кошин тури	Сув ютувчанлик, %	Куйдириш температура, °C	Иссиқ бардошлик, °C	Моос бўйича қаттиқлик	Мустаҳкамлик, МПа	Қисқариш, %
Ишлаб чиқилган кошин	14	1100	200	5	15	1,12
Корхона кошени	14	1140	120	4	13	5
ГОСТ 6141-91 талаблари	≤16	-	150	≥5	15	-

«Тошкент қурилиш материаллар комбинати» АЖ шароитида кошинни куйдиришнинг оптимал режими ишлаб чиқилди. Хитой сиридан фойдаланиб, ишлаб чиқилган технология бўйича олинган керамик масса таркиблар вақорхонада мавжуд технология бўйича олинган кошинларни физик-механик

хоссаларининг таққосланган. Келтирилган маълумотлар ишлаб чиқилган керамик сирт кошинларни физик-механик хоссалари ГОСТ талабларига тўлиқ мос келишини кўрсатади (2-жадвал).

«ART GLOSS GALLERY» ҚҚда керамик сирт кошинлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш учун маҳаллий хомашёлар асосида энергия тежовчи технологияни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган. Керамик сирт кошин ва сир қопламалар учун оптимал таркиблар маҳаллий табиий хомашёлар ва шиша саноати чиқиндилари асосида ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқилган таркиблар энергия тежовчи технология бўйича керамик сирт кошинлар олиш имконини берди. Сир қопламанинг куйдириш температураси 1000 °Сгача пасайтирилди. Ишлаб чиқилган технология бўйича олинган сирт кошинларнинг физик-механик хоссалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

**«ARTGLOSSGALLERY» ҚҚ учун ишлаб чиқилган сирт кошинларнинг физик-механик хоссалари**

	Сув ютувчанлик, %	Куйдириш температураси, °С	Моос бўйича қаттиқлик	Иссиқ Бардош лилик, °С	Эгилишга мустаҳкамлик, МПа	Қисқариш, %
Ишлаб чиқилган кошин	14,2	1100	5	200	16	0,9
ГОСТ талаблари	6141-91 ≤16	-	≥5	150	≥15	-

Пол учун керамик кошинларни бир марталик куйдириш орқали ишлаб чиқариш технологияси энергия тежовчи технология ҳисобланади. Прессланган аралашма сирланади ва бир марталик куйдиришга берилади. Бу эса сирни аралашмага яхши бирикишини таъминлайди. Ишлаб чиқилган технология бўйича олинган сирт кошинларнинг физик-механик хоссалари келтирилган (4-жадвал).

4-жадвал

**«ART GLOSS GALERY» ҚҚ учун ишлаб чиқилган керамик пол кошинларнинг физик-механик хоссалари**

	Сув ютувчанлик, %	Куйдириш температураси, °С	Сирнинг Моос бўйича қаттиқлиги	Иссиққа Бардош лилик, °С	Едирилишга бардошлилик, даража	Мастаҳкамлик, МПа	Қисқариш, %
Ишлаб чиқилган кошин	3,3	1180	5	200	3	29	7,3
ГОСТ талаблари	6787-2001 ≤4,5	-	≥5	125	1-4	28	-

Маҳаллий хомашёлар асосида олинган масса таркиблар «Тошкент қурилиш материаллари комбинати»да керамик кошинлар ишлаб чиқаришга жорий этилган. Жорий қилинган илмий натижалар керамик кошинларни физик-механик хоссаларини яхшилашга муваффақ бўлинган ва ишлаб чиқариш самарадорлиги мавжуд технологияга нисбатан 18-22%га ортишига ҳамда маҳсулот сифатининг жаҳон стандартлари даражасига етишига имкон яратган.

Саноат чиқиндилари асосида олинган масса таркиблари «ART GLOSS GALLERY» Қўшма корхонасида керамик кошинлар ишлаб чиқаришга жорий этилган. Керамик сирт кошин ва пол кошинлар ишлаб чиқариш технологиясини жорий қилиниши натижасида 42 та иш ўринларини очишга ва йилига 180000 м<sup>2</sup> сирт кошин ва 36000 м<sup>2</sup> пол учун керамик кошинлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш имконини беради.

Ишлаб чиқилган технологияни жорий қилинишидаги иқтисодий самарадорлик тасдиқланган усулга мувофиқ ҳисобланган. «Тошкент қурилиш материаллар комбинати» АЖда жорий қилинган технология бўйича керамик кошинлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги йилига 114 млн. сўмни ташкил этди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Пегматит-талък-каолин системаси асосида «таркиб-хосса» диаграммалари ўрганилиб, улар асосида оптимал керамик ички сирт кошинлар масса таркиб: Зинельбулоқ талъки – 10%; Ангрен иккиламчи қизғиш каолин – 50%; Чироқчи пегматити -40%; Самарқанд бўри 10% тавсия этилди.

2. Пегматит-талък-каолин системасида оптимал масса таркиб компонентларининг керамик масса таркибларининг фаза ва структура ҳосил бўлиш жараёнининг тезлашишида эвтетик эритмаларнинг ҳосил бўлиши, жумладан мастаҳкамликни ошиши, сув ютувчанликнинг пасайиши, қисқариш ва чизиқли термик кенгайиш коэффицентларнинг оптимал ечимлари аниқланди.

3. Керамик ички сирт кошинлар олишда шиша чиқиндиларнинг масса таркибларда қўллаш мумкинлиги аниқланиб, бунда Ангрен кулранг каолини-20%, Ангрен қизғиш каолини-30%, Май кони тупроғи-5%, Самарқанд бўри-10%, шиша синиғи-10%, Чироқчи пегматити-25% эканлиги кўрсатилган.

4. Каолин-тупроқ-шлак системаси асосида таркиб-хосса диаграммалари ўрганилган ва улар орқали оптимал керамик пол кошинлар масса таркиблари яратилди ва Ангрен кулранг каолини -50%, Май кони тупроғи-35%, Бекобод металлургия комбинати шлаки-15% эканлиги тавсия этилди.

5. Бекобод металлургия комбинати шлакининг қўлланилиши керамик сополакда минераллар ҳосил бўлишига ва бир жинсли зич структура олишда хизмат қилиши исботланган.

6. Маҳаллий хомашёлар асосидаги керамик ички сирт кошинлар олиш технологияси «Тошкент қурилиш материаллар комбинати» АЖ корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган;

7. Маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндилари асосидаги керамик ички сирт ва пол кошинлар олиш технологияси «ART GLOSS GALLERY» ҚКда ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc14.07.2016.Т.08.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**МАТКАРИМОВ ЗАЙНОБИДДИН ТУРДАЛИЕВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ КЕРАМИЧЕСКИХ  
ПЛИТОК НА ОСНОВЕ МЕСТНЫХ СЫРЬЕВЫХ МАТЕРИАЛОВ**

**02.00.15 –Технология силикатных и тугоплавких неметаллических  
материалов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2017.1.PhD/Т33

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский(резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) и информационно-образовательном портале «ZIYONET» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Арипова Мастура Хикматовна</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Искандарова Мастура Искандаровна</b> доктор технических наук, профессор  <b>Талипов Нигматулла Хамидович</b> доктор технических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Научно-производственное объединение «Физика-солнце»</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc14.07.2016.T.08.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № \_\_\_\_, с которой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (100011, г. Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz).)

Автореферат диссертации разослан «\_\_» 2017 года.  
(протокол рассылки № \_\_ от \_\_\_\_\_ 2017 года).

**С.М.Турабджанов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**А.С.Ибодуллаев**  
Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

**М.И. Искандарова**  
Председатель Научного семинара при Научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире прирост производства керамических плиток в странах, являющихся гигантами по их производству, составляет, в частности, «в Китае 10%, в Испании, России, Италии и Бразилии 5% в год».<sup>1</sup> Одной из актуальных задач является разработка научных основ управления эксплуатационными свойствами технологического процесса получения керамических материалов с высокими физико-химическими свойствами.

В настоящее время в мире ведутся научные работы по разработке технологий получения и составов масс керамических плиток с высокими эксплуатационными характеристиками, улучшенными физико-механическими и художественно-архитектурными свойствами, использования современных нанотехнологий и оборудований при получении керамических плиток. Этот процесс сопровождается широким вовлечением новых природных сырьевых материалов, также высокой конкуренцией на рынке керамических плиток.

За годы независимости в Узбекистане в условиях конкуренции мировых производителей керамических материалов стала развиваться промышленность по производству керамических плиток. Основываясь на мерах, принятых в этом направлении, внимание было уделено выбору компонентов для массового содержания местного сырья, созданию технологий обработки и изделий в керамической промышленности. В то же время недостаточное внимание уделялось качеству продукции, производимой в керамической промышленности. В стратегии действий по развитию Республики Узбекистан определены задачи по «созданию технологий получения импортозамещающих товаров на основе местных и вторичных сырьевых ресурсов»<sup>2</sup>. В этой связи особое значение приобретают направленные научные исследования выбора местных сырьевых материалов и создание современных технологии получения керамических плиток на их основе.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в проиказ и указах Президента Республики Узбекистан ПП-2641 от 25 октября 2016 года об «Организации управления и усовершенствования промышленности строительных материалов», УП-4947 от 7 февраля 2017 года «В стратегии действий по развития Республики Узбекистана» и УП-4707 от 4 марта 2015 года «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы», а также другим нормативно-правовым документам, принятым в данной сфере.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное исследование

<sup>1</sup><http://www.> «Керамическая плитка. Современная энциклопедия»

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «В стратегии действий по развития Республики Узбекистана»

выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII «Химические технологии и нанотехнологии».

